
Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни кенг нишонланди

Болалар ҳаётимиз давомчилари, келажагимиз эгаларидир. Бинобарин, уларни асраб-авайлаш, ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш ҳар бир давлат, ҳар бир оила, ҳар бир ота-онанинг муқаддас бурчи ҳисобланади.

Бугун, 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Бағдод тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими фаоллар залида “Ҳар бир болага меҳр-эътибор” шиори остида “Болалигим - пошшолигим” номли байрам тадбири ўтказилди.

Тадбирга мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, эҳтиёжманд ва боқувчисини йўқотган оилалар ҳамда “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларнинг фарзандлари таклиф этилди. Эртанинг давомчилари бўлган болажонларнинг бугунги қувончига туман ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари шерик бўлди.

Тадбирда иштирок этган 160 нафар болажонларга туман ҳокимлиги ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бўлинмасининг байрам совғалари улашилди. Байрам тадбирида соҳа вакиллари ва болажонлар томонидан тайёрланган куй-қўшиқлар, эртақнамо дастурлар намойиш этилиб, болажонларнинг кўнгиллари шод этилди. Мазкур сана олдидан болалар ўртасида ўтказилган турли спорт мусобақалари ва кўрик-танловларда ғолиб чиққанлар муносиб рағбатлантирилди.

Шунингдек, бугунги байрам муносабати билан мактабгача ва мактаб таълими бўлими тасарруфидаги таълим муассасаларида яқка тартибда таълим олаётган 58 нафар ўқувчилар ҳолидан ҳам хабар олиниб, байрам совғалари тоширилди.

Тадбирда туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Қаҳрамон Миртазақулов иштирок этди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-06-01 18:30:05